



# ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 18 октябрь, шанба • №85 (11.576)

Эркин нархда сотилади

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

17 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, қўмита, компания, корпорация, концерн ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирок этди. Мажлисда Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 февраль ва 18 июлдаги мажлисларидаги маърузаларида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, ислохотларнинг ўсмувор йўналишлари ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тўққиз ойлик якунларига оид масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов бошқарди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида барча соҳаларда ислохотларни изчил амалга ошириш натижасида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида мамлакатимиз иқтисодий-тининг молия ва реал секторларида макроиқтисодий барқарорлик таъминланди. Хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштиришга, аграр секторда бозор муносабатлари ва инфратузилмани кенгайтиришга,

капитал қурилиш соҳасидаги ислохотларни жадаллаштиришга эришилди. Бу даврда жорий операциялар бўйича конвертацияга ва Ўзбекистон Республикаси томонидан Халқаро валюта фонди Битим Моддаларининг VIII моддаси юзасидан шу йилнинг 15 октябридан бошлаб мажбуриятлар қабул қилинишига эришилди.

Инфляция даражаси ўтган йилнинг шу давридаги 17,4 фоиздан - 0,3 фоизгача пасайтирилди. Бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоизни ташкил этди. Ташқи савдо балансининг ижо-

(Давоми 2-бетда).

## Мардлар қўриқлайди Ватанни!



## ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛИШДИ

Вилоятимизнинг турли шаҳар ва туманларидан йиғилган йигитларнинг дастлабки гуруҳи муддатли ҳарбий хизматни ўташга жўнаб кетди. Шунинг билан вилоят чақирув пунктида тантанали кузатув маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев иштирок этди.

— Бизларни шундай тантана билан ҳарбий хизматга кузатиш зиммамизга алоҳида масъулият юклайди, — дейди бўстонликлик бўлажак аскар Мансур Раҳметов. — Айниқса, бу ерда янграган республикаимиз мадҳияси қалбимизда она-Ватанга бўлган меҳрни янада оши-

риб, йигитлик бурчимизни сидқидилдан адо этишимизга ундамоқда.

— Бугун ўғлимни Ватан олдидаги бурчини адо этиши учун кузатаймиз, — деди Пскент туманидан келган Исоқул Худойбердиев. — Илгари фарзандларимиз уч йил муддат бегона юртларда ҳарбий

хизматда бўлишарди. Ҳозир, мустақиллик туфайли, улар ўз юртимизда бир йил ҳарбий хизматни ўтайди. Ота-оналарнинг ҳам кўнгил тинч. Чунки, у ерда ўғилларимизга барча шароитлар етарли.

Кузатув чоғида бўлажак аскарларга «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг совғалари топширилди.

**Қамолитдин АСҚАРОВ.**

**СУРАТДА:** тантанали кузатиш маросимидан лавҳа.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## Шу сонга

## РЕЖА ЙИГИРМА БИР КУНДА

Чиноз туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги давлатга пахта сотиш режасини вилоятда биринчилар қатори бажарди.

Йиғим-терим ишлари оқилона ташкил этилганлиги шартнома режасини 21 кунда бажариш имконини берди. Пудратчи оилалар аъзоларидан ташқари «Ислохот» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги маҳаллаларнинг 400 нафар аҳолиси теримда фаол иштирок этапти. Четдан жалб этилган 500 нафар ҳашарчи ҳам хўжалик пахтакорларига ёрдам бермоқда.

Уларнинг сазй-ҳаракатлари билан шу кунгача 310 гектар



майдондан ўртача 29,1 центнердан ошириб ҳирмон уюлиб, давлатга 900 тонна хом ашё сотилди. Абдурахим Тулебоев,

Исмаил Ҳасанов, Баратбой Тошпўлатов бошчилик қилаётган оилавий пудратчилар гектаридан биринчи теримдаёқ 31-32 центнердан ҳосил олдилар.

Хўжаликда терим қизғин давом этмоқда. Мақсад қабул пунктларига яна камида 100 тонна пахта топшириш.

**СУРАТДА:** бош пудратчи А. Тулебоев ва назоратчи Ш. Убайдуллаев сўнгги гектарлардаги ҳосил чўғини кўздан кечиришмоқда.

**Хусанбой АББАЛОВ олган сурат.**

## ТЕНДЕР АСОСИДА

Олмалиқ шаҳрида кейинги йилларда йўловчи ва юк ташиш транспортларидан фойдаланишда рақобат кучаймоқда. Айниқса, хусусий транспортларда хизмат кўрсатиш тобора ривожланаяпти.

1995-98 йилларда йўловчи ташишда бу автомобилларнинг улуши 5-6 фоизга тўғри келган бўлса, бугунга келиб 68 фоизга етди. Натижада, йўловчилар учун анча қулайликлар

яратилди. Яқинда яна олтита йўналиш бўйича хусусий транспортларнинг қатнови йўлга қўйилди. Бу ишлар тендер асосида амалга оширилди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

## Эколог журналистлар танлови

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Марказий Осиё минтақавий экологик маркази ташаббуси билан ўтказилаётган эколог журналистлар танловининг миллий босқичи якунларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар, фирма ва компаниялар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Жаҳонда рўй бераётган турли табиий офатлар, иқлим ўзгариши, биохилмаҳилликнинг камайиши, атроф-муҳит ифлосланишига олиб келаётган омилларнинг олдини олишда жамоатчилик иштирокини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли экологик маданиятини юсалтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни

йўлга қўйиш, барқарор ривожланишга эришишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс.

Учинчи марта ўтказилаётган танловнинг миллий босқичига журналистлардан юздан зиёд ижодий иш келиб тушди.

Ҳафтада 22-26 октябрь кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида ўтатдиган Марказий Осиё республикалари журналистлари халқаро анжуманида иштирок этади.

**Ў.А.**

## Аёл, Оила, Жамият



Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасининг ойлик саҳифаси №4 (3-, 4-, 5-, 6-бетлар)

бий сальдоси 515 миллион АҚШ долларидан ошди. Бу эса мамлакатимиз олтин-валюта захирасини янада кўпайтирди. Саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чакана савдо товар айланмаси, пулли хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши ҳисобига ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 104 фоизга ўсди.

Бу даврда хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва корпоратив бошқарув услубини жорий қилиш давом эттирилди. 1 минг 29 корхона хусусийлаштирилди, 496 корхонанинг акциялар пакетлари, давлатга қарашли қарийб олти ярим минг объект сотилди. Паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш давом эттирилди. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар самараси ўлароқ дон етиштириш ва ҳосилдорлик анча ошди. Капитал қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар муайян самара бермоқда. Институционал қайта ўзгартиришлар натижасида "Ўзбекистон" компанияси, "Ўзпаррандасаноат" уюшмаси, "Ўзнефтьмаҳсулот" компаниясининг минтақавий бошқармалари, "Бошқомунгаз" корхонаси ва унинг "Ўзтехгаз" шўъба корхонаси тугатилди.

Қабул қилинган ижтимоий дастурлар, жумладан, "Обод маҳалла йили" дастури изчил амалга оширилмоқда. Иш ҳақи, стипендиялар ва ижти-

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

*Халқаро Бизнес марказида Иқтисодий тадқиқотлар марказининг "Иқтисодий таълим ва тараққиёт" лойиҳаси тақдими бўлиб ўтди.*

Мазкур лойиҳа марказининг "Евроосиё" фонди ҳамда ЮСАИД - АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Лойиҳа доирасида Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги барча ўқув муассасаларида иқтисодий мавзуларда турли анжуман, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилади, иқтисодиёт йўналишида билим берувчи ўқитувчилар малакаси оширилади.

Лойиҳада иқтисодиётга онд кўплаб янги ўқув қўлланмалари, адабиётлар яратиш ҳам кўзда тутилган. Жумладан, ушбу марказ мутахассисларининг иқтисодчи ва филолог олимлар билан ҳамкорликда яратган "Иқтисодий атамаларнинг ўзбекча-инглизча-русча луғати" олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун жуда қўл келмоқда.

Ў.А.

# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

мой нафақалар миқдорининг оширилиши аҳоли пул даромадининг ўсиши, турмуш даражасининг янада яхшиланишига асос бўлди.

Афсуски, эришилган ютуқларга баъзи камчиликлар ҳамон соя солиб турибди. Иқтисодий ислохотларнинг айрим устувор йўналишлари ҳамда уларни чуқурлаштириш вазифалари етарли даражада бажарилмади. Давлатга қарашли паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни хусусийлаштириш ва сотишнинг ўзгарувчан тизими суст жорий этилди. Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатлар тизимини ислох қилиш, фермер хўжаликлари ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирлар тўла таъминланмади. Капитал қурилиш соҳасида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш чора-тадбирларини ҳам талаб даражаси-

да, деб бўлмади.

Мажлисида иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларини 2003-2004 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Айрим тармоқ ва ҳудудий бошқарув органлари томонидан аҳоли яшаш пунктларини, уй-жой фондини, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини ва ижтимоий соҳа муассасаларини 2003-2004 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш тадбирлари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмагани қайд этилди. "Кўмир" акциядорлик бирлашмаси томонидан кўмир қазиб олишнинг белгиланган ҳажмлари уудаланмади. Оқибатда истеъмолчиларга кўмир етказиб бериш бюджет соҳасида 62 фоизни, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси бўйича 70 фоизни ташкил этди. Газ қувурларини мукамал таъмирлаш ишлари топшириққа нисбатан 85 фоиз

бажарилган. Сирдарё, Жиззах, Бухоро ва Тошкент вилоятларида иссиқлик тармоқларини ва қозонхоналарни таъмирлаш тугалланмаган.

Тегишли вазирлик, компания, агентлик, уюшма раҳбарлари ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимларига зарур топшириқлар берилди. Куз-қиш мавсумига тайёргарликни шу йилнинг 1 ноябригача тугаллаш белгиланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, М.Усмонов, молия вазири М.Нурмuroдов, халқ таълими вазири Р.Жўраев, давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Асқаров, "Ўздон-маҳсулот" давлат акциядорлик корпорацияси раиси И.Нажмиддинов, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси раиси А.Баҳромов, "Ўзком-мунхизмат" агентлиги бош директори Ў.Холмухамедов, Қашқадарё, Фарғона ҳамда Наманган вилоятлари ҳокимлари Н.Зайниев, А.Отабоев, Т.Жабборов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси С.Рахимов иштирок этди.

Ў.А.

Пахта – 2003

## САЛМОҚЛИ КЎМАК



*Куйичирчиқ тумани пахтакорлари бўйиш шартномага мувофиқ дав-*

*латга 35 минг 225 тонна пахта топширишлари лозим. Шу мақсадда 28 та комбайн теримга сафарбар этилган.*

Бундан ташқари, 30 мингдан зиёд маҳаллий аҳоли ва четдан жалб этилган ҳашарчи қўл теримида қатнашмоқда. Уларнинг савий-ҳаракати билан кунига йиллик режанинг 3 фоизидан ошириб пахта терилляпти. Куйичирчиққа Зангиота, Қибрай, Паркент туманларидан 13 минг ҳашарчи ёрдамга келган. Улар жойлаштирилган бинолар муқаддам таъмирланиб, рисоладагидек ҳолга келтирилган. Хусусан, «Ўзбекистон» тажриба хўжалигида бунга бевосита гувоҳ бўлди. Хўжаликка қибрайликлар ёрдамга келишган. Махсус штаб терим ҳисобкитобини олиб боради, муаммоларни ҳал этади.

Кечки пайтлар улар ўз ташаббуслари билан турли хил маданий тадбирларни уюштиришляпти. Масалан, дискотека, спорт мусобақалари ва бошқа кўнгил-очар кечалар ўтказилмоқда.

Туман маданият уйи ҳаваскорлари ҳам уларнинг кўнгилли хордиқ чиқаришлари учун концерт дастурларини намойиш этмоқдалар.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**  
**«Тошкент ҳақиқати»**  
**муҳбири.**

*Бир неча кундирки, Ангрен шаҳридан келган ҳашарчилар Бўка туманидаги 20 та хўжалик пахтакорларига кўмаклашмоқда. Ҳашарчилар кунига ўртача 50 килограмдан пахта теришга эришяётлар.*

## АНГРЕНЛИКЛАР БИР ЁНДА

— Шаҳримиз корхона ва ташкилотларидан 9 минг нафар ҳашарчи пахта йиғим-теримида жалб этилган, — дейди ҳашарчилар пахта штаби бошлиғи, Ангрен шаҳар ҳокими муовини Иброҳим Пардаев. — Улар ётоқхона ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Ҳашарчиларнинг таъминотида «Ангренсавдо» ҳиссадорлик жамияти катта ҳисса қўшмоқда. «Саноатқалинқоғоз-савдо» ҳиссадорлик жамияти, «Янги Ангрен ГРЭС»и, «Кўмиркони» ва 9-шахта сингари корхона-ташкilotлар теримчилари кунлик суръатда пешқадамлик қилиб, хирмонга барака киритишмоқда. Илғор теримчилардан Морал Сафарова, Незматулло Набиев, Шахло Абдусаматова сингари кўплаб теримчилар кунига 120-130 килограмдан пахта териб, ўзлари учун ажратилган рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлишди.

Ангренлик ҳашарчиларнинг вақтида маданий хордиқ чиқаришларини таъминлаш ниятида концерт дастурлари намойиш этилмоқда. Бу борада тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ёшлар ўртасида «Илғор теримчи» танлови ўтказилиб, қолибларга 20 мингдан 50 минг сўмгача пул мукофоти берилмоқда.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ.**

21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг  
«Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни қабул  
қилинган кун

# МИЛЛАТ ФАХРИ

Шу кунларда ўзбек тили Давлат тили мақомини олганига ўн тўрт йил тўлаётганлигини кенг нишонламоқдамиз. Шу ўтган муддатда мамлакатимизда, жумладан, вилоятимизда давлат тилини ўрганиш, турли қўлланмалар ва дарсликлар яратиш борасида кўп иш қилинди. Вилоятимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг яқинда Чирчиқ шаҳрида «Шу азиз Ватан — барчамизники» шиори остида ўтган дўстлик ва маданият фестивалида кекса ўқитувчи Марям Алиева билан суҳбатлашиб қолдик.

— Мен рус синфларида давлат тили фанини ўқитаман, — деди суҳбатдошим. — Бугунги кунда фарзандлари Давлат тилини ўрга-

нишларига богчадан бошлаб алоҳида эътибор бераётган оилалар кўпайиб бормоқда. Жумладан, ўз тажрибамга таяниб шуни айта оламанки, рус, украин, корейс ва

муҳими, турли миллат болалари тил билан бирга одоб-ахлоқ, муомала маданиятини ҳам ўрганишляпти, баркамол инсонлар бўлиб улгайишляпти.



бошқа миллатларнинг болалари ўзбек тилини қизиқиб ўрганишмоқда. Уларда давлат тилини мукамал эгаллашга интилиш кучли. Энг

**СУРАТДА:** Тошкент туманидаги 9-ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқувчиси Малика Мухамедова она тили дарсида.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## «Паркентводстрой» трести қайта ташкил этилиши муносабати билан:

1. Трестнинг 1-СПМК, 4-СПМК, УМСР бўлинмалари 1-ДПСПМК, 4-ДПСПМК, ДПУМСРга айлантирилади.

2. Трестнинг 2-ПМК, 3-ПМК, 5-ПМК, ДП «Электрйиғиштармоғи» тугатилади.

Эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой муддат давомида куйидаги манзилда қабул қилинади:

Юқоричирчиқ тумани, Янгибозор шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси, 119-уй.

# Аёл, Оила, Жамият



Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитасининг ойлик саҳифаси №4

## Фармон ва ижро

*Иқтидорли ёшлар ҳамиша миллат маънавий-маданий ютуқларининг, жамият раънақининг етакчи ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб келган. Шу боис мустақиллик йилларида бундай йигит-қизлар ўз салоҳиятларини намоён этишлари, уларни қўллаб-қувватлаш учун кўп иш қилинмоқда.*

# ИҚТИДОР СИНОВЛАРИ

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларнинг муҳим йўналишини белгилаб берди, — деди «Тошкент ҳақиқати» муҳбири билан суҳбатда вилоят ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича котибиятининг бош мутахассиси Индира Ҳалимова. — Шу Фармон асосида вилоятимизда махсус комиссия тузилган бўлиб, беш йўналиш бўйича фаолият кўрсатилмоқда. Мазкур комиссия фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият йўналишларидаги иқтидорли қизларни аниқлаш, уларнинг салоҳиятини ўрганиш ва баҳолаш, муносиб талабгорларни танлаб олиш билан шуғулланмоқда.

Бу жараёнда асосий эътибор давлат мукофотида талабгорлар фаолияти, уларнинг ижрочилиқ маҳоратлари, асарлари, илмий изланиш натижалари атрофича, ҳаққоний ва ҳолис ўрганилиб, муҳокама қилинишига қаратилмоқда. Бу вазифа икки босқичда амалга оширилади. Дастлаб танловда қатнашиш учун номзодлар ва уларнинг ишлари танлаб олинади.

Иккинчи босқичда мукофотга лойиқ деб топилувчи номзодлар аниқланади.

— Иқтидорли қизларни аниқлаш учун вилоятимизда қандай оммавий-ташқилий тадбирлар ўтказилмоқда?

— Аввало, талабгорлар иқтидори ва маънавиятига қўйилувчи талабларнинг ниҳоятда юқори эканлигини таъкидламоқчиман. Маълумки, Фармонда Зулфия номидаги Давлат мукофоти мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрларида таълим олаётган, корхона, ташкилот ва бошқа муассасаларда хизмат қилаётган, аъло ҳулки, олижаноб инсоний фазилатлари, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги ва меҳнатдаги муваффақиятлари билан истиклол ғояларини амалга ошириш йўлида алоҳида истеъдодини намоён қилаётган иқтидорли қизларимизнинг адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун берилиши белгилаб қўйилган.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси шундан келиб чиқиб, бу юксак давлат мукофотида муносиб талабгорларни аниқлаш, уларнинг истеъдоди қандай намоён бўлаётганлигини ўрганиш борасида изчил иш олиб бормоқ-

далар. Бу борада Ёзувчилар уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Зулфия қизлари», «Ёш мусаввирлар», «Ёш қаламкашлар» танловлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу ишни янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида вилоят хотин-қизлар кўмитаси қошида ёшлар билан ишлаш гуруҳи ташкил этилди. Унга Тошкент Давлат аграр университетининг проректори, профессор Лазиза Ғофурова раҳбарлик қилмоқда. Гуруҳ аъзолари шаҳар ва туманларда маҳаллий ҳокимият идоралари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қизгин иш олиб бормоқдалар. Талабалар маънавияти, истеъдоди ва уларнинг намоён бўлиши ҳолис ва оқилона баҳолалишига асосий вазифа сифатида қаралаётир.

Билими, иқтидору истеъдоди, ташаббускорлиги, баркамоллиги билан алоҳида ажралиб турувчи қизларни аниқлашда «Замона ёшлари» кўрик-танловининг аҳамияти ҳам катта бўлмоқда. У вилоят ҳокимининг 2002 йил 23 сентябрдаги фармойиши асосида тўрт босқичда ўтказилади. Шу йил Наврўз байрами арафасида бу танловнинг вилоят босқичи ўтказилиб, шаҳар ва туманларимизда яшаб, ижод билан шуғулланаётган алоҳида иқтидорли кўпгина қизлар аниқланди. Ҳозир шаҳар ва туман комиссиялари улар орасидан Зулфия номидаги мукофотга муносибларни танлаб, улар билан тегишли ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда.

Бугунги кунда мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрларида талабгорларни саралаш якунланди. Октябр-ноябрь ойларида вилоят комиссияси номзодларнинг ишларини кўриб чиқади ва ҳар бир йўналиш бўйича биттадан номзод танлаб олиниб, республика комиссиясига тақдим этилади.

Афсуски, ўтган йиллар тажрибаси жойларда бу муҳим ишга

(Давоми 4-бетда).

**Яхши аёлларнинг қаҳри яширин,  
Аччиғланса, тилин захри ҳам ширин.  
УВАЙСИЙ.**

## Одобнома

- Қадимгилар ёш келинга шундай маслаҳат берадилар: «Илк висолдан сўнг куёвнинг қиёфаси ва овоз таассуротлари ширин ҳамда ёқимли бўлиши учун у билан танҳо қолишдан аввал беҳи меваси истеъмола қилиш керак».
- Ёш келин-куёвлар, аиникса, дастлабки пайтда зиддият, жанжал чиқишидан эҳтиёт бўлишлари даркор. Чунки эътибор берсангиз, ҳатто энди елимланган туваклар ҳам кичик силкинишдан сўнг осонгина ажралиб кетишади. Бироқ, вақт ўтиши билан елимланган жойи мустаҳкам қотгач, олов ҳам, темир ҳам ажратолмайди.
- Ақлли эрга қулоқ солишдан

## Ақлли куёвга — оқила келин

- Кўра, аҳмоғини доводиратишни хуш кўрадиган хотинлар йўлни биладиган, ўткир кўзли одам ортидан бориш ўрнига, кўр кишини етаклаб юришни афзал биладиганларни эслатади.
- Оқила ва гўзал хотин билан ажралишгани учун дўстлари койиган бир киши уларга оёғини рўқач қилиб деди: «Бу бошмоқ кўринишдан жуда гўзал, ҳали кийилмагандай. Аммо, у оёғимнинг қайси жойини қисаётганини ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди».
- Сезилмай пайдо бўлиб, аста-секин кучайиб борадиган касалликни тиббиётчилар очик-

## Давра суҳбати

*Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок республикаимизда соғлом оилани шакллантириш, шу асосда соғлом авлодни вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.*

## СОҒЛОМ ОИЛА КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИДИР

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бутун бир бобида оилаларнинг жамиятда тугган ўрни, мавқеи ва аҳамияти таъкидланиб, соғлом оилани барпо этишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси яқинда бу борада яна бир муҳим қарор қабул қилди. Шу қарорга биноан «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Вилоятимиз ҳокимининг шу асосдаги қарори ҳам эълон қилинди.

Вилоят ҳокимлигида ўтган давра суҳбатида шу муҳим қарорларни ҳаётга татбиқ этиш, соғлом оилани шакллантиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари хусусида фикрлашиб олинди. Унда Тошкент туманидаги Алишер Навоий номи маҳалла оқсоқоли Эркин Фуломов, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Тўлқин Миркомиллов, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Феруза Раҳматуллаева, Зангиота туманидаги Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Солиҳўжа Норхўжаев, Тошкент вилояти бош имом хатибининг ноиби Рустам Комилов, вилоят ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятининг бош мутахассиси Индира Ҳалимова, вилоят хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Зулҳумор Жўраевалар иштирок этишди.

Давра суҳбатини вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

(Давоми 5-бетда).



## «ЮНИСЕФ» БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Шу кунларда шаҳар ва қишлоқларимизда ота-оналарнинг бола тарбияси хусусидаги билим ҳамда кўникмаларини оширишга қаратилган машғулотлар, маслаҳат-кенгашлар ўтказилляпти. Оилада бола тарбиясини тўғри ташкил этиш, уларга меҳр-муҳаббат кўрсатиш масалаларига бағишланган суҳбатлар катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ишларни янада чуқурлаштириш мақсадида оилавий таълим дастурининг ижросига бағишланган тренинг ўтказилди. Соғлиқни сақлаш, халқ таъ-

лими, ички ишлар идоралари, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этган бу машғулот БМТнинг болалар ташкилоти — ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ўтказилди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

СУРАТДА: машғулотдан лавҳа.

Даврон АҲМАД олган сураат.

**Bugungi  
sonda:**



Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси қошидаги «Ҳамдўстлик» клубида Польша Республикаси санъат ва маданият намоёндалари яхши анъанага айланган.

СУРАТДА: Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Зинон Кухчак навбатдаги учрашув қатнашчисига эсдалик совғасини топшираётир.

Польша ҳақидаги материаллар → 6-бетда

юборди шунда малика, — фусун ва латофат сенинг ўзингда экан». Шундай қилиб, насабли, гўзал бўлишдан ташқари, эрини хуш ахлоқи билан ром этган қонуний хотинга ўзга аёллар билан рақобат қилиш кўрқинчли эмас.

- Сукрот хунуқлар ўз хунуқлигини хушҳаракатлилиги билан кетказиши, гўзаллар — ўз гўзаллигини бадахлоқлик билан хира этмасликлари учун ёшларга кўпроқ ойнага боқишни маслаҳат берган. Турмуш қурган аёл агарда хунуқ бўлса, қўлига ойна олиб: «Шу ҳолимда яна нокамтар, бадхулқ бўлсам», — деб, гўзал эса: «Бунинг устига камтарин ва хушахлоқ ҳам бўлганимда қандай бўлман», — деб сўраса маъқул бўларди.





**Э. Фуломов:** Ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом жуфт топиш, кейин ФХДё остонасига қадам қўйиш — долзарб масала.



**С. НОРХҲҲҲҲҲ:** Қадим одатимиз — ҳам қиз томон, ҳам йигит томоннинг насл-насабини ўрганиш ниҳоятда зарур.



**Т. МИРКОМИЛОВ:** Соғлом оилаларни шакллантиришда маҳалла кўмиталари, кўпни кўрган оқсоқолларнинг ўрни ва масъулияти катта.



**И. ҲАЛИМОВА:** Эндиликда икки ёш тиббий кўриқдан ўтиб, мутахассис хулосасига эга бўлгандан сўнг никоҳ расмийлаштирилади.



**Р. КОМИЛОВ:** Биз гоҳи ҳоллардаги шунчаки никоҳ ўқиб қўйиш ҳодисаларига чек қўйишимиз керак бўлади.



**З. Жўраева:** Бу чора оила аъзолари саломатлиги яхшиланиб боришини, бинобарин, бутун жамиятда саломатлик, тўқислик таъминланишини маълум даражада кафолатлайди.

**А. Аҳмаджонова:** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим бир соҳаси — оилаларни соғломлаштириш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда катта роль ўйнайди. Низомга биноан 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб никоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан ўтказила бошланади. Бу, шубҳасиз, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, турли касалликлар оқибатида оилалар барбод бўлиб кетиши, ногирон болалар туғилиши-

нинг олдини олишга хизмат қилади.

Бугун биз сиз билан вилоятимизда шу қарор ва Низомни амалга ошириш юзасидан келиб чиқадиган вазифалар, уларни қандай қилиб самарали бажариш мумкинлиги ҳусусида маслаҳатлашиб, Республикаимиз Конституцияси, «Оила кодекси»нинг 17-моддаси ва ушбу Низомда белгиланган ҳуқуқий асосларни ҳаётга татбиқ этиш йўлларини белгилаб олиш, умуман, шаҳар ва туманларимизда бу борада амалга оширилиши зарур бўладиган ишлар юзасидан фикр-мулоҳаза ва тақлифларимизни билиш учун тўғландик.



**Ф. РАҲМАТУЛЛАЕВА:** Қабул қилинган қарор ва тасдиқланган низом тиббиёт ходимлари олдига жуда катта, ниҳоятда масъулиятли вазифаларни қўяди.

## СОҒЛОМ ОИЛА КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИДИР

**Э. Фуломов:** — Маълумки, янгилашиб бораётган жамиятимизда оилаларнинг тутган ўрни, мавқеи ортиб бормоқда. Шу боис ҳам маънавий, ҳам руҳий соғлом оилани шакллантирсак, жамиятимиз янада раванқ топади. Бу жиҳатдан «Оила кодекси»нинг 17-моддасида назарда тутилган тартиб-қоидалар алоҳида аҳамият касб этаётир. «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низом эса айна шу мақсадга хизмат қилиб, эндиликда шу жараёнларнинг амалий-ҳуқуқий механизмини вужудга келтиради.

**Т. Миркомилов:** — Сўзсиз соғлом оилаларни шакллантиришда маҳалла кўмиталари, кўпни кўрган оқсоқолларнинг ўрни ва масъулияти катта. Биз маҳаллаларнинг фаоллари билан қарор ва низомдан келиб чиқадиган вазифаларни оқилона амалга ошириш йўлларини белгилаб олаётимиз. Ҳозиргача турмуш қураётган икки ёшнинг тиббий кўриқдан ўтиши ихтиёрий тусда эди. Муҳими, бу Низом билан ана шу ихтиёрийликка чек қўйилиб, тиббий кўриқдан ўтиш мажбурий тус олмақда.

**С. Норхўжаев:** — Демаки, фуқаролик ҳолатлари тиббий кўриқ хулосалари олинисига қараб, никоҳланувчиларнинг соғлиги аниқлангач, қайд этилади.

**И. Ҳалимова:** — «Оила кодекси»да тиббий кўриқдан ўтишнинг мақсадга мувофиқлиги таъкидланади. Шу пайтгача оила қураётган ёшлар чинакамга тиббий кўриқдан ўтмаслиги шундан эди. Эндиликда эса, янгидан тасдиқланган Низомга кўра, икки ёш тиббий кўриқдан ўтиб, мутахассис хулосасига эга бўлгандан сўнг никоҳ расмийлаштирилади.

**З. Жўраева:** — Бу чора ногирон, касалманд гўдақлар дунёга келишининг олди олиниб, оила аъзолари саломатлиги

яхшиланиб боришини, бинобарин, бутун жамиятда саломатлик, тўқислик таъминланишини маълум даражада кафолатлайди.

**Р. Комилов:** — Бу ўринда битта муаммо юзага келади. Тиббий кўриқ хулосасисиз, расмий никоҳ ҳужжатисиз турмуш қуриш ҳолатларига чек қўйишни таъминлай оламизми? Бунинг учун бутун жамоат — маҳаллаларнинг фаоллари, хотин-қизлар кўмиталари, дин намояндалари баҳамжиҳат иш тутмоғи лозим. Гоҳи ҳоллардаги шунчаки никоҳ ўқиб қўйиш ҳодисаларига чек қўйиш керак бўлади.

**Э. Фуломов:** — Бу жуда муҳим. Афсуски, кейинги пайтда ҳаётимизда норасмий оилалар, яъни диний никоҳ асосида қурилаган оилалар кўпайиб бормоқда. Бу жамиятга ҳам маънавий-руҳий, ҳам ахлоқий путур етказмоқда.

**Ф. Раҳматуллаева:** — Қабул қилинган қарор ва тасдиқланган Низом тиббиёт ходимлари олдига жуда катта, ниҳоятда масъулиятли вазифаларни қўяди. Масала янгилаш кўйилишининг мақсади муҳим. У, биринчидан, ирсий ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишни назарда тутди. Иккинчидан, бугунги кунда бошқа, ўта хавфли, юқумли касалликлар ҳам кўпайиб бораётти. Шу сабабли Низомда никоҳланувчи шахсларнинг беш турдаги, яъни — руҳий, наркологик, таносил, сил касалликлари ва ОИТС юзасидан тиббий кўриқдан ўтказилиши қатъий қилиб қўйилди.

**А. Аҳмаджонова:** — Жойлардаги хотин-қизлар, маҳалла кўмиталари, ёшлар ташкилотлари, тиббиёт ходимлари, умуман, жамоатчилик масаланинг айни шу ҳолатларини аҳолига етказишлари, ушбу Қарор ва Низом қабул қилинганлиги ва масала нима учун шундай қўйилаётганлигини катта-кичикка тушунтиришлари лозим.

**З. Жўраева:** — Бу борада, айниқса, икки томон — бўлғуси қудаларнинг ушбу қонуний заруриятни чуқур англаб етишлари,

ёшлар тиббий кўриқдан ўтиши-ни ўзаро келишувдан олдин ташкил этишлари ниҳоятда муҳим.

**Э. Фуломов:** — Бунга эришишимиз шарт. Бўлғуси никоҳга — оила қуришга фотиҳа берилишидан, тўй куни белгиланишидан аввал шунга ҳаракат қилиш керак. Бунинг учун маҳалла фаоллари ҳамма оғоҳ бўлишлари, ўғил уйлантираётган ёки қиз узаётган ота-оналарга тўғри маслаҳат бериб, қонуний меъёрларга риоя этилишини назорат қилишлари керак.

**С. Норхўжаев:** — Дарҳақиқат, қадим одатимизни тиклаш пайти келди. Айтмоқчиманки, илгарилари норасмий ҳолатда бўлса ҳам қиз томоннинг ҳам, йигит томоннинг ҳам насл-насаби, аждодлари суриштирилиб, ўрганиларди. Бунда ирсият билан боғлиқ бўлган касалликлар нуқтаи назаридан ўрганиш ҳам муҳим ўрин тутганлигини ҳаммамиз яхши эслаймиз. Эндиликда бу ишларни қонуний асосда амалга ошириш имконияти пайдо бўлди.

**Э. Фуломов:** — Ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом жуфт топиш, кейин ФХДё остонасига қадам қўйиш долзарб масала. Бекорга донишмандлар: «Муҳаббат чимилдикда туғилади», — дейишмаган. Ҳозир эса, аксинча бўлиб кетди. Ташқи кўриниш, хушбичимликка маҳлиё бўлиб, «сув тагидаги тошлар»га эътибор бермаслик жабрини тортаётганлар озми?

**З. Жўраева:** — Паркентда ўтган учрашувда ўрта ёшли бир жувон айтган гапларни ҳануз унут олмайман. У ота раъйига кўра, отанинг ногирон синглисига «қараб туриш» учун турмушга узатилган экан. Оқибатда кетма-кет кўрган тўрт фарзанди ҳам ногирон бўлиб туғилган. Бу фожиа эмасми?

**И. Ҳалимова:** — Бу — нафақат шу аёлнинг фожияси. Бу — бутун жамият учун фожиявий ҳолат, ахир. Бундай ҳолатлар, албатта, бирдан барҳам топмайди. Биз қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳга ҳам эътиборкорлик билан ёндошмоғимиз керак.

Никоҳланувчилар тиббий кўриқдан ўтишининг аҳамиятини бутун имкониятлар ва воситалар билан одамларга тушунтирайлик.

**Р. Комилов:** Тўғри таъкидладингиз. Одамларга ҳар қандай масаланинг моҳияти ва аҳамиятини қай тариқа етказишда гап кўп. Айтмоқчиманки, бу борада бизнинг уламоларимиз, имомларимиз ҳам фаол иштирок этишлари зарур. Масжидларда намоз олдидан бўладиган маърузаларда бу ҳақда икки оғиз тушунтириш бериш мақсадга тезроқ етишимизга хизмат қилади.

**Ф. Раҳматуллаева:** — Масаланинг ташкилий жиҳати ҳам эътиборингизни қаратмоқчиман. Низомга кўра, никоҳланувчиларнинг тиббий кўриги ФХДё идоралари берган йўлланма бўйича бепул ўтказилади. Бунинг учун тиббий муассасага мурожаат қилинган кундан бошлаб икки ҳафталик муддат белгиланган. Буни тиббиёт ходимлари ҳам, никоҳланувчилар ҳам яхши билиб олишлари керак.

**Э. Фуломов:** — Ҳозирча тиббий кўриқни ўтказишда таниш-билишчилик, баъзан, кечирасизу, бошқа «воситалар» ҳам муайян ўрин тутаятган ҳолатлар

**А. Аҳмаджонова:** — Давра суҳбатимизга умумий хулоса ва яқун тариқасида шуни айтмоқчиманки, кун тартибидидаги масала жамиятимиз учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Буни сизлар билдирган мулоҳазалар, тақлиф ва истаклар ҳамда кўтарилган муаммолар яна бир бор кўрсатди.

Дарҳақиқат, оилага масъулиятсизлик, бу борадаги ҳар қандай қонун бузилишлари жамият олдидидаги оғир жиноят ҳисобланади. Тиббий кўриқни тўғри, ҳолисона ўтказиб, аниқ хулоса бериш учун жавобгарлик тўғрисида нафақат тиббиёт ходимлари, балки, ҳар бир ота-она, фуқаро чуқур ҳис этмоғи лозим. Ана шунинг учун ҳам янги Низомдан келиб чиқадиган вазифалар муҳимлигини турли учрашувларда, суҳбатларда, маърузаларда халққа қайта-қайта тушунтирайлик.

Бу борада тиббиёт ва ФХДё идоралари ходимларининг оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этсак, тўғри бўлади. Вилоят, шаҳар ва туман газеталари, маҳаллий радиоэшиттириш ва телевидение тахриратлари бу муҳим мавзунинг бот-бот ёритиб боришларига эътиборни кучайтирайлик. Малакали ва таъсирчан тарғибот оилаларда саломатлиқни яхшилашда катта ўрин тутди. Уйлайманки, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорини, «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомдан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш, энг муҳими, жамиятимизда ёш, соғлом оилани шакллантиришга ҳар биримиз муносиб ҳиссамизни қўшамиз. Зеро, соғлом оила жамият келажаги ва пойдеворидир.

Жўрабек МУРОДОВ ёзиб олди.

# БУГУНГИ МЕХМОН: ПОЛЬША



**Европанинг марказида жойлашган Польша қитъадаги йирик мамлакатларнинг бири. Бу юртда муҳим халқаро савдо йўллари туташган, кенг қирғоқ бўйлаб Болтиқ денгизига чиқилади. Мана шу шарт-шароитлар иқтисодиёт, савдо ва халқаро муносабатларнинг ривожланишига катта қулайликлар тўғдиради.**

Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида икки ижтимоий-иқтисодий тузумни ажратиш кўйган тўсиқлар кўтариб ташланиши боис Польша Республикаси ҳам умумий тарих ва маданият доираси — Европа мамлакатлари оиласига қайтди.

Шундан буён мамлакат жадал юксалиш йўлидан бормоқда. Изчил амалга оширилаёт-

ган ислохотлар, Европа Иттифоқига кириш истикболлари 1991 йилдан бошлаб иқтисодиётга хориж сармоялари кириб келишини кучайтирди. Чет эл инвестициялари қисқа муддатда 52 миллиард АҚШ доллари етиб борди. Натижада 2000 йилга келиб ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 4,1 фоизни ташкил этди. Экспорт ҳажмлари 25 фоиз кўпайди. Саноатда меҳнат унум-

дорлиги 14 фоиз ошди.

Бу кўрсаткичлар Польшани минтақанинг етакчи мамлакатлари даврасига олиб чиқди. Ижтимоий ислохотларни кенгайтириш, фан, таълим, маданият ва санъатни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очди.

Бу жараёнларда Польша аёллари муҳим ўрин тутмоқда. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларидаги иштироклари фаол тус олди. Ҳурматли газетхон, бугун эътиборингизга дўст ва ҳамкор мамлакат — Польша Республикаси, унинг тарихи, маданияти ва бугунги равнақи ҳақида ҳикоя қилувчи материалларни ҳавола этаётимиз.

## ЁНИҚ ЮРАКЛАР ЮРТИ

Польшани чин маънода шундай мамлакат деб аташ мумкин. Бу Ватан фарзандлари Фарбий Европа маданияти ва санъатидан баҳра олиб, ўз ижодий изланишлари билан Польшани бутун дунёга танитиб яшамоқдалар. Шулардан бири 1996 йили Нобель мукофотида сазовор бўлган шоира Вислава Шимберскаядир. Унинг лирик шеърлари бугун кўшиқ бўлиб, миллион-миллион қалбларга сингмоқда. Шоира асарлари жаҳон халқларининг ўнлаб тилларига таржима қилинган.

Поляклар ўзининг бундай ёниқ юракли ижодкорлари билан ҳақи равишда фахрланишади. Тўғри, тақдир тақозоси билан уларнинг баъзилари хорижда яшаб, ижод этишган.

ланган музей, Фридерик Шопен номидаги жамият фаолият кўрсатади.



Муқаддас хоч костелида эса композиторнинг юраги ардоқлаб сақланмоқда. Лазенков истироҳат боғида унинг сецессион услубидаги ҳайкали қад кўтариб турибди. Унинг олдидаги майдонда ҳар якшанба Шопен асарлари концерти ўтади.

Ҳар беш йилда дунёнинг барча мамлакатларидан таълиқли пианиночилар Варшавага йиғилишади. Улар Шопен номидаги халқаро танловда ўз ижрочилик маҳоратларини намойиш этишади.

Адам Мицкевич ва Юлиуш Словацкий, 1905 йилда Нобель мукофотида сазовор



Лекин, ҳаёт уларни қаерларга улоқтирмасин, бу ижодкорлар ўз Ватанларига садоқат ҳиссини сақлаб қолганлар, уни улуғлашга хизмат қилганлар.

Буюк композитор Фридерик Шопен Варшавадан 50 километр олисдаги Желязова-Волыда туғилган. У йигирма ёшгача Варшавада яшаб, концертлар берган. Ҳозир Острог қасрида унинг ижодига бағиш-



бўлган атоқли ёзувчи Генрик Сенкевич билан 1924 йил шу мукофотни олган Владислав Раймонт каби ёзувчиларнинг асарлари турли мамлакатларда қўллаб тилларда севиб ўқилади. Шоир ва ёзувчилар Чеслав Милош билан Вислава Шимберскаялар Нобель мукофоти билан тақдирланган янги авлод ижодкорларидир.



## МИЛЛИЙ БОҒЛАР — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Польша ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, катта-катта ҳудуд-



ларидаги бетакрор ва гўзал манзаралари билан жаҳонга танилган мамлакатларнинг бири. Ҳавас қилгулик жиҳати шундаки, бундай ҳудудларни ибтидоий, бирламчи кўринишида сақлаб қолишга эътибор кучли.

Шу мақсадда 22 та миллий боғ — кўриқхона ташкил этилган. Улардан олтитаси — Бабегур, Беловеж, Бешчад, Карконош, Словин ва Татра миллий боғлари ЮНЕСКОнинг жаҳон биосфера кўриқхоналари рўйхатига киритилган. Беловеж миллий боғи эса жаҳон мада-

ний мероси сирасидан ҳисобланади.

Бу миллий боғларда қадимий ўрмонлар, шамол учириб юрадиган денгизбўйи қумтепаларига дуч келиш мумкин. Кўриқхонада зубрлар — Европадаги энг йирик ҳайвонлар сақланиб қолган. Европада учратиш мумкин бўлган куш турларининг 80 фоизини Польша кўриқхоналарида кўриш мумкин.

Бу кўриқхоналарнинг умумий майдони 297 минг гектар. Бу мамлакат жами ҳудудининг бир фоизини ташкил этади.

## ҲАР БИР ТОШИ — БИР ҚЎШИҚ

Шундай шаҳарлар борки, улар бутун мамлакат ва миллат ифтихорига айланган. Польшада Краков шундай бир шаҳар. 1413 йилгача у мамлакат пойтахти эди, бугун миллат бешиги сифатида эъзозланади ва ардоқлаб сақланади. Польша қиролларининг пантеони ҳам шу ерда. Сайёҳлар Европа марказига жойлашган бу шаҳар кўчаларини айланиб, қасрлари ва ибодатхоналарида бўлиб, ўзларини ўрта асрларда ҳис қиладилар. Шаҳарни айлансангиз, ҳаёлларга толасиз, қадимий қасрлар, ўхшаши йўқ бинолар ва иншоотлар — ҳамма нарса кишини ўйлашга, ҳаёт мағзини чақшга ва ўзининг кимлигини англашга даъват этади.

Краков — Европадаги дастлабки университет шаҳри. Минг йиллик бу шаҳар ҳамон навқирон — унинг олий ўқув юртларида юз минг талаба илм олади. Бу ерда турли қарашлар, турли маданиятлар, турли йўналишлар чатишиб-қоришиб кетган.

Краков — театр кўриклари, фестиваллар, танловлар, халқ сайиллари шаҳри. Бу ерда ҳар ойда бир фестивал ёки кинокўрик ўтади. Айтиш мумкинки, бутун Краков яхлит бир театр сахнаси, унда йил-ўн икки ой томошалар давом этади.

Бир ривоят борки, Польшада уни каттаю кичик яхши билади. Бу балиқчи Варса билан унинг рафиқаси Сава

ҳақидаги бетакрор қиссадир. Кучли муҳаббат асосида қурилиб, бир умр садоқатда яшаб ўтган бу оила истиқомат қиладиган кўрғон теграсида хонадонлар кўпайиб бориб, минг йиллар илгари Варша қишлоғи пайдо бўлган. Ривоят қилинишича, Польшанинг бугунги пойтахти — Варшава шу қишлоқ ўрнида пайдо бўлиб, кейинчалик садоқатли эр-хотин балиқчилар Варса ва Сава исмларини олган.

Висла дарёси камарида яшовчи боши аёл, танаси балиқ Сирена ҳақидаги ривоят ҳам ниҳоятда таъсирли. 1413 йили Варшава қирол Януш фармонида мувофиқ шаҳар мақомини олгач, пойтахт герби тасдиқланади. Унга дастлаб қилич ва қалқон тутиб турган эркак тасвири туширилган эди. XVI асрга келиб, шаҳар гербида аёл қиёфаси пайдо бўлди. Бирок, муҳими, унинг ўнг қўлида қилич сақланиб қолди. Бу — жонажон шаҳар, юрт ҳимоясига абадул-абад тайёр туришилик рамзи эди.

1596 йили қирол Сигизмунд III Ваза ўз саройини Краковдан Польшанинг қоқ юрагига жойлашган Варшавага кўчирди. Шундан буён бу шаҳар — мамлакат пойтахти.

**СУРАТЛАРДА:** чапда Варшаванинг 1659 йили қабул қилинган герби. Ўнгда пойтахтнинг 1938 йили қабул қилинган герби.



## УНУТИЛМАС УЧРАШУВ

«Гавэнда» харцерлар дастаси қатнашчилари Польша Республикаси Президентининг рафиқаси Иоланта Квасневска билан учрашув онларини бир умр унуттишмайди. Шу куни улар Иоланта хонимнинг илик, янги ижодий изланишларга даъват этувчи сўзларини эшитишди, у билан обдон ўйнаб-қулишишди.

Бу учрашув «Гавэнда» дастаси ташкил этилганлигига 50 йил тўлган куни юз берди. Маданият ва санъат равнақи-га ҳомийлик қилувчи Иоланта хоним ўз дастурларини олис-яқин хорижий мамлакатларда намойиш этиб, доврўг қозонган болалар дастасининг ярим асрлик тўйи тантаналарига ташриф буюрди, ёш ижрочилар билан дилдан суҳбатлашди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида «Кўк сафлар» яширин ташкилотининг аъзоси бўлган Анжей Карузалски Тасвирий санъат академиясида ўқиб юрган даврида болаларнинг «Гавэнда» ҳаваскорлик дастасини ташкил этган эди. У дастлаб кўғирчоқ театри сифатида иш бошлаган, кейинчалик кўшиқ ва рақс дастаси сифатида шаклланиб, ўз дастурларини Кепец минтақасида намойиш эта бошлаган.

— Эллигинчи йилларнинг охирларида қўшни шаҳар ва қишлоқларга юк

машинасида қатнаб концерт кўярдиқ, — дейди кулимсираб Анжей Карузалски. — Поездларда юриб, ўз санъатимизни Польшанинг олис-олис шаҳар-



лари болаларига кўрсатишимиз учун ўн йил кетди. Етмишинчи йилларга келиб эса, «Гавэнда» самолётларга ўтириб, Америка, Австралия, Япония мамлакатларида гастрол концертлари бера бошлади...

Эллик йил мобайнида «Гавэнда» дастасида ўн беш мингдан ортиқ ўғил-қиз ўзининг кўшиқ ва рақсда қанчалик иқтидори борлигини синаб кўрди. Уларнинг кўплари кейинчалик етук санъаткорлар бўлиб етишишди.

**СУРАТДА:** Польша Президентининг рафиқаси Иоланта Квасневска учинчи минг йиллар «Гавэнда»чилари даврасида.



# «Янги йилни Индонезия билан»

**Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси дипломатлари, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари ҳамда «Орият» радиостанцияси ижодкорлари, Қизил Ярим Ой миллий қўмитаси ходимлари ўзларининг ҳамкорликдаги лойиҳаларини шундай атадилар**

президенти Сукарнонинг 1956 йилдаги Ўзбекистонга ташрифидан буён бизнинг бу мамлакатга нисбатан хайрихоҳлигимиз ва илиқ алоқаларимиз узилгани йўқ. Товар айирбошлаш ҳамжи ортиб бормоқда. Олис мамлакатдан келтириладиган чой, ёғ ва бошқа қўллаб маҳсулотлар Ўзбекистонда маълум ва машҳур бўлиб, улар севиб истеъмол қилинади. Ўз навбатида ўзбек пахтаси ҳам Индонезиянинг жадал ривожланиб бораётган тўқимачилик саноати учун муҳим хом ашё турларидан бири ҳисобланади.

Индонезияга бўлган қизиқиш мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг кўпгина жабҳаларида ҳам ўз аксини топган. Шу йил август ойида «Ўзбекистон-Индонезия» дўстлик жамияти рўйхатдан ўтказилди. Индонез тилига ҳам қизиқиш кучли. Ушбу тил Жаҳон тиллари университети ҳамда Самарқанд кооператив институтида ўрганилади. Дарвоқе, ана шу олий ўқув юртлири талабалари, шунингдек, ўз билимларини синая кўришни хоҳловчилар 24 ноябрь куни Индонезияга бағишлаб ўтказиладиган олий ўқув юртлиарио танловда дўст мамлакат ва унинг тилини қай даражада билишларини имтиҳон қилиб кўришлари мумкин. Индонезиянинг ўзига хос маданиятини ўрганишга эндигина киришганлар эса, Индонезия ҳукуматининг гранти ёрдамида ушбу мамлакатга бир йиллик бепул ўқув курсига боришлари мумкин. Бу ўқув нафақат бепул, шу билан бирга курсантлар ҳар ойда чой-чақа харажатлари учун 60 доллар, кийим-кечак учун эса, 70 доллар пул оладилар. Индонезиянинг тропик (иссиқ) иқлим

шароитида эса, ортиқча кийимга эҳтиёж йўқлиги барчага маълум. Қимматбаҳо пўстин сотиб олиш шарт эмас. Грант бўйича ё тил ёки рассомлик санъатини ўрганишни танлаш мумкин.

Балки, ким учундир «уч денгиз оша» узоқ ўлкага сафар қилиш мураккаб бўлар, аммо Индонезия маданияти билан яқиндан танишишни жуда истайдиганлар учун алоҳида маълумот берамиз: Индонезия элчихонасида миллий «англелунг» мусикий асбобида куй ижро этувчи даста тузилмоқда. Бу асбоб гиж-жакка ўхшаб кетади, аммо, бам-

букдан ясалган. Жуда қизиқ ва ғайриоддий асбоб.

Энди «Янги йилни Индонезия билан» лойиҳаси ҳақида икки оғиз сўз. Бу — мамлакат ҳақидаги билимлар танлови. У Индонезия элчихонаси ташаббуси билан ўтказилмоқда. «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари ҳамда «Орият» радиостанцияси лойиҳанинг ахборот бўйича ҳомийлари ҳисобланади. Бош ҳомий — Қизил Ярим Ой миллий қўмитаси. Ушбу қўмита индонезиялик биродарлар билан азалдан дўстлик ва амалий алоқага эга.

Халқаро хайъат 28 декабрда якун чиқаради. Жавоблар шу муддатгача қабул қилинади. Икки ғолиб унутилмас юксак мукофот эгаси бўлади. Яна беш киши совғалар билан тақдирланади.

Ушбу мукофотларни қўлга киритиш учун кўп нарсга талаб этилмайди. Фақат ўз хотирангиз ва қомусларни яна бир бор «тит-килаб» кўриш қифоя. Ана шунда Сиз қуйидаги ўн битта саволга бемалол жавоб бера оласиз:

1. Индонезия мустақиллиги қачон эълон қилинган?
2. Индонезиянинг биринчи президенти ким?
3. Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида дипломатик муносабатлар қачон ўрнатилган?
4. Индонезияни «минглаб ороллар мамлакати» дейишади. Аслида ороллар қанча?
5. Индонезиянинг пойтахти жойлашган, аҳолиси энг кўп орол қайси?
6. Индонезияда туғилган, матога расм солиш санъати қандай аталади?
7. Қайси маҳсулот экспорти бўйича Индонезия жаҳонда етакчи ҳисобланади? Қайси маҳсулот экспорти бўйича у жаҳонда иккинчи ўринда туради?
8. Индонезия элчихонасининг Тошкентдаги қароргоҳини қадимий маъбудлардан бирининг ҳайкали безаб турибди. У қайси маъбуд?
9. Индонезия — жаҳондаги энг йирик мусулмон давлати. Мамлакатда жами неча дин турлари бор? Бирма-бир санаб беринг.
10. Индонезиялик Руди Хартоно саккиз карра жаҳон чемпиони сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган. У қайси спорт тури бўйича чемпион бўлган?
11. Индонезиянинг қайси ороли сайёҳлик бўйича жаҳон маркази ҳисобланади?

Пировардида шуни маълум қиламизки, танловда фақат Ўзбекистон фуқаролари иштирок этадилар. Агар, улар «Орият» радиостанцияси тингловчилари ҳамда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари муштарийлари бўлишса, янада мамнун бўлардик.

**Омад Сизга ёр бўлсин!**

## Билиб қўйган яхши

### ТИШИНГИЗ СОҒЛОМ БЎЛИШНИ ХОҲЛАСАНГИЗ

Маълумки, никотин, кофеин ва чойнинг таъсирида тишлар сарғаяди. Уларни оқартиришнинг энг осон усули бу ош тузидир. Бунинг учун ойда икки марта тишларингизни ош тузи билан ювасиз. Сўнгра оғзингизда шўр таъми қолмагунча чаясиз.

Шунингдек, туз бурун битиб қолганда ҳам сизга ёрдамга келади. Бунинг учун сиз намақоб сув билан бурун бўшлигингизни чайишингиз керак. Шамоллашнинг олдини олишда ҳам туз энг самарали воситалардан ҳисобланади. Бунда илиқ шўр сув билан ингальяция қилишингиз керак, холос. Немис олимларининг айтишича, бу каби муолажалардан кейин шамоллайдиганлар сони кескин камайган.

Тузли ванна қон айланишини яхшилайдиган. Терини силлиқ ва юмшоқ ҳолатга келтиради. Чарчоқни чиқаради, кўзингиз тагидаги халқаларни кетказади. Тузли ванна қабул қилсангиз фойдадан ҳоли бўлмайди. Бундай муолажадан сўнг албатта душга кириш ва 30 сония давомда дам олинг. Аммо бир нарсга ҳамиша ёдингизда бўлсин, туз дончалари зинҳор кўзингизга тушмасин. Чунки, туз қаттиқ куйдирувчи воситалардан бири ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290- ва 21 июлдаги 320-қарорлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2003 йил 28 июлдаги 121-буйруғига ҳамда Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг 2003 йил 15 августдаги 56-буйруғига асосан Чирчиқ дарёси ўнг қирғоқ туманлараро каналлар бошқармаси негизда «BO'ZSUV» IRRIGASIYA TIZIMI BOSHQARMASI ташкил этилиши ва Янгийўл, Чиноз, Зангиота, Тошкент, Қибрай туманлари қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг бюджет ҳисоб рақами тугатилиши муносабати билан даъво бўйича бир ой муддат ичида Бўзсув ирригация тизими бошқармасига мурожаат этилсин.**

**Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Архитекторлар кўчаси, 1-а уй. Телефонлар: 41-83-04, 41-84-12.**

**Тошкент вилояти Шартнома мажбуриятлари ба-жарилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси ТУГАТИЛАДИ.**

**Барча даъволар 30 октябргача қабул қилинади.**

Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан 2003 йил 8 октябрда Соҳиба Исмаиловна Эгамбердиева (ИНН 460399016) номига берилган 1000026 рақамли, савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан 2000 йил 24 ноябрда 1047 сонли қарорга асосан «Алп Жамол Нур» МЧЖ ўқув маркази номига берилган (реестр сони 05-3180) корхонанинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**АЛИМОВ АКРОМ  
ПЎЛАТОВИЧ**



Шафқатсиз ўлим орамиздан ажойиб инсон, билимдон ва ташкилотчи устоз Акрим Пўлатович Алимовни олиб кетди.

Акрим Алимов 1924 йили Тошкентда туғилди. Меҳнат фаолиятини болалар ташкилотидан бошлади. Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган қаҳрамонликлари орденолар билан тақдирланган эди. Урушдан кейинги йилларда Тошкент вилоятининг қатор шаҳар ва туманларида раҳбарлик ишларида бўлди. Олмалиқ шаҳри, Оҳангарон, Қибрай, Тошкент, Зангиота, Янгийўл, Паркент туманларида унинг иқтисодиётни ривожлантириш, қишлоқ маданиятини юксалтириш, аҳолининг турмуш даражасини кўтарish соҳаларидаги қизгин ташкилотчилик фаолиятини ҳали-ҳануз ҳурмат билан эслашади. Акрим Пўлатович Алимов 1987 йилдан бошлаб узоқ муддат вилоят фахрийлар ташкилотига раҳбарлик қилди. Унинг халқ ва Ватан олдидаги меҳнатлари ордена ва медаллар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони билан тақдирланди.

Ташаббускор ташкилотчи, талабчан раҳбар, фидокор инсон Акрим Алимовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланади.

**Бир гуруҳ ўртоқлари.**

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети томонидан 2003 йилда Бикүлова Гулнара Шамилевна номига берилган В 012790 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қибрай туманидаги 6 сотихли ер участкаси

**СОТИЛАДИ.**

Дўрмон ширкат хўжалиги, Марказий кўча, 112-уйга мурожаат қилинсин.

Паркент тумани ҳокимлиги агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитасининг раиси

**ТОПИЛ ХОЛТОВЕВНИНГ**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**

**МУАССИСА**  
**ТОШКЕНТ**  
**ВИЛОЯТИ**  
**ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир**  
**Фатҳиддин**  
**МУҲИДДИНОВ**

**Телефонлар:**  
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

**Манзилимиз:**  
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати» тоҳрирати компьютер марказида терияди ва саҳифоланади.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.